



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 17 июл, шанба №96 (743)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

И.С.Акрамовни Ўзбекистон Республикасининг Эрон Ислом Республикасидаги Фавқуллода ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Илҳом Салиевич Акрамов Ўзбекистон Республикасининг Эрон Ислом Республикасидаги Фавқуллода ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1999 йил 16 июл.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Кабуллар уйида Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирларининг уч томонлама учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда уч мамлакат Давлат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳар томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги Декларациянинг ижроси, Тожикистонда тинчлик ўрнатиш жараёнига кўмаклашиш, террорчиликка, экстремизм, гиёҳвандлик ва уюшган жиноятчиликка қарши

курашда ўзаро ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар мулоқотларнинг бош мавзуси бўлди. Шунингдек, уч мамлакат ташқи сиёсат мақомлари раҳбарлари ўзаро ҳамкорлигининг бугунги аҳволи ва унинг истиқболлари ҳамда томонларни қизиқтирган масалалар борасида фикр

алмашдилар. Уч томонлама учрашув нихосида Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирларининг амалий учрашуви тўғрисидаги Қўшма коммюнике имзоланди. Хужжатга уч мамлакат ташқи ишлар вазирлари И.Иванов, Т.Назаров ҳамда А.Комиллов имзо чеқди. Шу куни меҳмонлар Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳам бўлдилар. (ЎЗА)

ЯНГИ КОРХОНА

Жиззах вилояти Галларол туманида хорижий технология асосида макарон ишлаб чиқарила бошланди. Уни «Лалмикор» матлубот савдо акционерлик жамияти қошида ташкил этилган «Лалмикор-Ш» савдо ишлаб чиқариш корхонаси йўлга қўйди. Шу мақсадда Италиянинг «Техногри Проджект» фирмаси билан тузилган шартномага мувофиқ 114 минг 230 АҚШ доллари қийматидаги ишлаб чиқариш линиялари келтириб ўрнатилди.

Кишлоқда ушбу корхонанинг очилиши икки томонлама наф келтирди. Биринчидан, кишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари яратилди, иккинчидан, аҳоли сифатли макарон маҳсулотлари билан таъминлана бошлади.



ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН, ХАЛҚИМ!

Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги бошчилигида 48 та маҳаллада яшовчи кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларнинг 50 нафар фарзандининг суннат тўйлари ўтказилди.

Инсон ўз фарзандини ҳамisha бахтли, соғу саломат кўришни истаيدди. Бунинг учун тиним бил-лани ҳаракат қилади, топганини нуридийдаларига сарфлайди. Бироқ ҳар доим ҳам орзу ушлмаслиги мумкин. Боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар рўзгордан ортириб, орзу ҳавасларини қилишлари қийин кечиси табиий. Ё бахти, ҳур Ўзбекистонимизда ҳеч ким ёлғизланиб қолмайди. Меҳрибон Президентимиз биринчи на-батда етим-есирлар, ёрдамга муҳтож кишиларнинг бошини силадилар.

Улар мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олинган. Боз устига меҳрибон, саховатпеша кишилар ажойиб фазилатларини намоеён этиб савоб ишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Шайхонтоҳур туманида ҳам ажойиб ишга қўл урилди. Туман ҳокими Миркамоил Одиловнинг таъкидла-шича, 48 та маҳаллада ис-тикомат қилаётган кўмак-муҳтож оилаларнинг 50 на-фар фарзандининг суннат тўйини ўтказишга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Қувончлики шуки, йил сайин фаолиятини кейгайти-раётган корхона, ташкилот, муассасалар, қолаверса

саховатпеша кишилар кучларни бирлаштириб обо-дончилик ҳамда хайрият тадбирларини амалга оши-ришга муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Тўйга тайёргарлик иш-лари яхши кетаяпти. «Ма-лика», «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш корхона-ларининг мохир чеварлари 50 нафар болага зарбоб тўн, костюм, қўйлак тики-шаяпти. «Қоратош» маҳал-ласининг ажойиб гузариди-тантана учун жой ҳозирла-нааяпти.

Президентимизнинг оталарча ғамхўрлигини чу-қур ҳис этиб яшамоқдами, - дейди муштипар она Шоира Одиловна. - Фар-зандим туғилганда дав-латдан суюнчисини олдим. 16 ёшга тўлгунча яна мод-дий жиҳатдан қўллаб-қув-ватланамиз. Лекин ёлғиз

бўлганим учун ўғлимнинг суннат тўйини ўтказишга анчайин қийналиб турув-дим. Туман ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар жо-нинمга оро кириди. Са-вобли ишга бош қўшган ажойиб инсонларни Яратган икки дунёда кам қилмасин.

Туман «Маҳалла» хай-рия жамғармаси бўлин-маси ҳамжиҳатликда бу ажойиб тадбир билан бирга «Энг намунали ма-ҳалла» кўрик-танловини ҳам ўтказишга бош-қош бўлмоқда. Фолибларга ис-тиқлолимизнинг 8 йиллик тўйи арафасида қиммат-баҳо совғалар топшири-лади.

Олим ОДИЛХОН. Сурадга: тўй болалар ўзлари учун тайёрлан-ган сарполарни олиш учун йиғилишган.

КАШҚАДАРЁ ГАЛЛАКОРЛАРИНИНГ МЕХНАТ ЗАФАРИ

Қашқадарё вилояти деҳқонларининг қувончи кеҳис. Улар давлатга галла топшириш шарт-нома режасини муваф-фақияти бажардилар. Қабул пунктларига 325 минг тоннадан зиёд са-ра дон етказиб берил-ди. Уйилган бу улкан хирмонга Қасби, Китоб, Шаҳрисабз, Қамаш тун-ларига галлакорлари аинкиса салмоқли ҳисса қўйдилар.

Галлакорлар далалар-даги ҳосил чўғини чама-лаб Ватанга яна 50 ми-нг тонна дон етказиб бе-ришга аҳд қилдилар. Айна кунларда воҳода ўрим-йиғим қизгин дав-ом этиляпти. Ҳосилдан бўшаган майдонлар пешма-пеш шудгорла-ниш, тақорий экинлар экишга киришилмоқда.

ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисидаги Қонуни ва «Солиқ кодекси»нинг суд идоралари амалиётида қўлланилиши масалалари муҳокама этилди. Пленумни Олий хўжалик суди раиси М.Абду-ломов олиб борди.

Сўзга чиққанлар ҳозир республика хўжалик судларининг фаолияти маз-кур хужжатларни ҳаётга изчил таъбиқ этишга қар-ратилаётганини таъкид-ладилар. Бу борада йўл қўйилаётган камчилик-ларни кўрсатиб ўтдилар.

Юртбошимиз Олий Маҳлис ўн тўртинчи сес-сиясидаги маърузасида банкротлик институтининг аҳамиятини ошириш, хўжалик судлари фаоли-ятини янада кўчайтириш

зарурлигига алоҳида эъти-бор қаратган эди. Хўжалик судлари томонидан шу йилнинг биринчи ярим йиллигида 465 та иқтисодий ночор корхона банкрот деб эътироф этилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 баробар кўп-дир. Хўжалик судлари то-монидан шу кунга қадар 2,5 мингдан ортқ корхона фаолияти тўхтатилгани маълум қилинди.

Бироқ, иқтисодий ночор корхоналарни банкрот деб

эътироф этиш ёки улар-нинг фаолиятини тўхта-тиш биргина хўжалик суд-ларига боғлиқ эмас. Бу-нинг учун жойлардаги му-тасадди раҳбарлар банк-ротлик моҳиятини чуқур англаб етган ҳолда, иқти-содий ночор корхоналар-ни банкрот деб эътироф этиш бўйича аризаларни хўжалик судларига тақ-дим этишлари лозим. Афсуски, баъзи вилоят-ларда бу борадаги иш-лар кўнгилдагидек эмас.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Конститу-циявий Суду раиси Б.Эшонов қатнашди.

Ўқтам ДҮСТЁР, ЎЗА муҳбири.

Галла — 99

НАМАНГАННИНГ КАТТА ДОН ХИРМОНИ

Наманган вилояти деҳқонлари катта гала-бани қўлга киритдилар: давлатга дон сотиш бўйича йиллик топширик бажарилди. Қабул пункт-ларига 174 минг тон-надан ортқ дон етказиб берилди.

Туракўрган, Наманган, Учқўрган ва Уйчи туман-лари галлакорлари на-маганликлар меҳнат юту-ғига катта ҳисса қўшди-лар. Хар гектаридан олинган ҳосил 40-45 цен-тнерни ташкил этди.

Вилоят галлакорлари эришган ютуқнинг асо-сий омилларидан бири - агротехника, қондала-рига аниқ риоя қилиш, ўрим-йиғимни пухта ташкил этишдир.

Вилоят хўжаликлари-да галла ўрим-йиғими давом этмоқда: яна уч минг гектарга яқин майдондаги бугдойни ўриб-яйчи олиш лозим. Галладан бўшаган майдонларда экиш-ти-киш ишлари давом эт-моқда.

ЗАРБДОРЛИКЛАР МАРРАДА

Жиззах вилояти За-рбдор тумани галлакор-лари эл хирмонига 22 минг 216 тонна дон ет-казиб бериб давлат шарт-нома режасини бажарди. Эришилган гала-бага «Шарқ юлдузи», «Тараққийёт», «Бахт», Йўлдош Қурбонов номи-даги ижара ширкатлар бирлашмалари галла-корлари муносиб ҳисса қўшди.

Зарбдорликлар дав-латга яна 2 минг тонна дон топширишга аҳд қилдилар.

«Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлгон ёмон», деган гапнинг мағзини қакиб қўрганми-сиз? Вужудни энтиқтирувчи ёлгон ваъда дастав-вал гўёки буюк марҳамат бўлиб туюлади. Унинг сароблигини англагач, ўзимизни ўтга-чўкка уриб югуришга туюшимиз. Худди ширин ваъдаларга ал-даниб келган сайхунободлик бир гурӯҳ фуқаро-лар каби. Улар тахририятимизга хат йўллаб ўз-лари рўбарў бўлган жумбоқни ечишда ёрдам беришимизни сўраганлар...

«1995 йилда Сайхуно-бод туман «Янгиобод» хў-жалиги худудидан оқиб ўтувчи П-4 канали қирғо-ғи ва зовур оралигида сизот сувлар йиғилиб қолган ташландиқ майдонни ўзлаштирдик, - деб ёзишган шу хўжалик-да яшовчи фуқаролар Абдусаттор Боймонов, Есенгеди Хўжахмедов, Ҳамро Илмияновлар. - Албатта, кейинчалик бир ишқили қиқиб қолмасли-ғи учун бу ишга туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутасадди-лари розилигини олиб киришдик. Катта маблаг сарфлашимизга тўғри келди. Ўтган даврда ер ҳақи учун шу ташкилот бошлиғи ўринбосари Ҳамдам Абдуназаров ҳамда мироб Серикбой Аблаевларга етиштирган ҳосилнинг тенг ярмиси-ни бериб келганми. Ам-мо 1999 йилда еримизга янги хўжайин пайдо бўл-ди. Гулистон туман «Беш-булок» жамоа хўжалиги-даги «Ёшлик» деҳқон-фермер хўжалиги раҳба-ри Ҳомий Норйигитов ер менга қарашли, етиш-тирилган ҳосилнинг тенг ярмини менга топшира-сизлар, деб туриб олди. «Ўроқда йўқ, машоқда йўқ - хирмонда ҳозир», деганларидек меҳнати-мизга қуйиб қоладиган

га ўхшаб турибмиз. Ушбу чигалли масалани ҳал қи-либ бериш учун бир қатор идораларга мурожаат қил-дик. Аммо бирор натижа чиқмагач, тахририятга хат йўлладик.

Ташландиқ ер можаро-сини батафсил ўрганишга тўғри келди. Гапнинг очи-ғи, буни қаламга олишга ҳам арзимасдек туюлади. Бироқ шахсий манфаат учун баъзи одамларнинг ўлиб-тирилиши, мансабни суистеъмол қилиб бўлса-да ўз даромад манбаини яра-тишга интилиши бизни бе-ларф қолдирмади. Шу боис ҳам тортишув тафсилотла-рини батафсил қозоғга ту-ширишни лозим топдик.

Бундан тўрт йил муқад-дам Сайхунобод туман қи-шлоқ ва сув хўжалиги бош-қармаси мироби Серикбой Аблаев ҳамқишлоқлари Аб-дусаттор Боймонов, Ҳамро Илмиянов, Есенгеди Хўжа-медов ва яна уч кишига ўзи мутасаддилик қилаёт-ган П-4 канали қирғоғида фойдаланилмай ётган ер борлигини, уни ўзлашти-ришни тақлиф этади. Оғ-заки келишувга мувофиқ шу ердан чиққан ҳосилни-н эллик фоизи унга бери-лиши лозимлигини айта-ди. 6 гектарга яқин ер ўз-лаштирилиб ишга солина-ди. Сув хўжаси Серикбой истаганча сув беради. Ҳам-ма ишлар ими-жимиде ке-ришни тамомила тўхта-

таётгани. Аммо ёлғаниб ишлаётганлар ишдан иш-дал чиқаришди. Аввал ши-коятчилар даъвосини эши-тиб кўрайлик. Абдусаттор Боймонов тушунтириш ха-тидан:

«1996 йил катта маблаг сарфлаш эвазига 3 гектар майдонни ишга туширдим. Ўша йили шולי экдик. Ҳо-сил пишиб етилгач, 1,5 тон-насини Серикбой Аблаев-га қўшқўллаб топширдим.

тиб қўйди. Ахир, шунча йил сув-дан беминнат фойдала-ниб келгандик-ку. Серик-бой Аблаевга хизмат қил-ганмиш. Ердан олиб ке-лаётган ҳосилнинг бир қисмини Ҳамдам Абдуна-заров билан бўлишиб ол-ганлигини тан олди.

Ижарачилар ҳақ. Мен бошлиғимиз Х.Абдуназа-ров рухсати билан 4,5 гектар ерга сув бериб

қисми канал қирғоғи му-ҳофазасига дахлдор экан-лигини таъкидлади. Бар-ча ишни бошлиқлар кўр-сатмасига биноан қил-ганмиш. Ердан олиб ке-лаётган ҳосилнинг бир қисмини Ҳамдам Абдуна-заров билан бўлишиб ол-ганлигини тан олди.

Ижарачилар ҳақ. Мен бошлиғимиз Х.Абдуназа-ров рухсати билан 4,5 гектар ерга сув бериб

билармидингиз?

- Мен топшириқни ба-қарганман...

- Айтишларича, сизга тааллуқли ер ҳам бор экан.

- Бор, 80 сотих. Тирик-чилик қилишим керак-ку.

Сайхунобод туман қи-шлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳамдам Аб-дуназаров сиртига сув юк-тирмади. У ерни каналда ишловчиларга берганли-ғини, қанча ҳосил олганли-ғини эслай олмаслигини ай-тди. Гўёки у олинган шולי ва донни ташкилот ишчи-ларига бўлиб берганмиш. Таассуфланарлиси, Х.Аб-дуназаров қонунни била туриб бузган. Ижарачилар-ни ишлашти мақсадида чалғитиб сохта хужжатлар ҳам расмийлаштириб қўйган. Шулардан бири 1998 йилнинг 10 мартда ерни ижарага бериш ҳақи-даги шартномадир. Бу ҳуж-жат хужжурсин учун тайёр-лангани шундоқ ҳам кўри-ниб турибди. Ерни ижара-га берувчи (!?) Ҳамдам Аб-дуназаров шартнома мат-нини аввалида туман сув хў-жалиги бошқармаси бош-лиғи муовини дея имзо чеккан. Мазкур хужжатни ёзишдан мақсад битта - 3,3 гектар ерга экилган бугдой ҳосилидан қуруқ қолмас-лик. Ҳамдам Абдуназаров, Серикбой Аблаевлар минг-лаб ер эса мазкур майдон-да ўз деҳқон хўжаликлари-ни очоқламай ҳадақ. Қонунга зид қилинган ишларга, чигал масала-га Гулистон ва Сайхуно-бод туман ҳокимликлари нима дейишаркин?

кечиб қўя қолишди.

Тўрт йил беминнат оқ-қан сув қулғини тамба-лашди. Тайёр ерга ким эгаллик қилгиси келмайди дейсиз. Бу орада Гулис-тон туман «Бешбулок» жа-моа хўжалиги худудида-ғи «Ёшлик» деҳқон-фер-мер хўжалиги раҳбари Ҳомий Норйигитов отни қамчилаб қолди. Чунки каналнинг чап қирғоғига туташ далаларда унинг ҳам ҳақи бор-да. Туман ҳокимлигининг қарорини рўқач қилиб «ижарачи-»ларга ерни ташлаб ке-тишни талаб қилди. 1999 йилда экилган галланин-г ярмини менга берасан, дея дўқ-пўписига ўтди. Биз Гулистон туман хоки-мининг ўша қарори би-лан танишдик. Фермер хўжалигида ўз худудиди-ғи фойдаланилмай ётган ернинг 4,5 гектарини иш-га туширишга рухсат этилган экан. Ваҳоланки аризачилар ишга тушир-ган ер бу ердан анча олис. Фермерга қарор мазмунини тушунтир-ганимизда у туюқиб кетди. Керак бўлса, ҳокимнинг қарорини ўн минутда чи-қариб келишга қурби ети-шини айтди. Кутдик. Би-роқ у келмади.

Ташландиқ ер можаро-си тафсилоти мана шу. Бироқ ернинг ҳақиқий эгаси ким? Бу савол жум-боқлигича қоляпти. Уни ўз кучи билан ўзлашти-рилганларми ёки... Ариза-чилар эса мазкур майдон-да ўз деҳқон хўжаликлари-ни очоқламай ҳадақ. Қонунга зид қилинган ишларга, чигал масала-га Гулистон ва Сайхуно-бод туман ҳокимликлари нима дейишаркин?

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

«Ишонч» бонг уради ЕР ЭГАСИ КИМ?

1997 йилда бугдой эк-дим. Унинг ҳам 3 тонна-си миробга кетди. Бу но-қонуний ишдан кўнгилм хижил бўлаверди. Ер дав-латники бўлса, ҳосили ҳам давлат оморига ту-шири керак-да. Тўғриси, С.Аблаевнинг биз топ-ширган ҳосилни ўз гу-машталари билан бўли-шиб олаётганлиги бизни хушёр тортиртди. 1998 йилда ундан шартнома талаб қилдик. Сайхунобод туман қишлоқ ва сув хў-жалиги бошқармаси бош-лиғи ўринбосари Ҳамдам Абдуназаровга учрадик. У ерга ўзи хўжайин эканли-гини айтди. 1998 йил учун мана шартнома дея қўли-мизга қозғот тузқазди. Йил якунида эса 600 кило бугдойни С.Аблаевга эмас, балки Х.Абдуназа-ровга олиб бориб топ-ширдим. Шу-шу С.Аблаев бизга нисбатан тўнини тескари қийиб олди. 1999 йилда эса бизга сув бе-ришни тамомила тўхта-

250 кг бугдойни Х.Аб-дуназаровга олиб бориб берган. Ҳамро Илмиянов ҳам худди ана шу шарт асосида ишлаган.

- Мактабда муаллим-лик қиламан, - дейди ши-коят муаллифларидан би-ри Есенгеди Хўжахмедов. - Серикбой Аблаевнинг тақлифини жон деб қабул қилдим. Рўзгордан қи-сиб, техника ёллаб тў-қайзордан 80 сотих ер очиб олдим. Биз расмий ташкилот билан ҳамкор-лик қилаймиз, деб ўйла-гандик. Қарасак, биров-ларнинг тегиримонига сув қуйиб юрган эканмиз. Хужжат асосида ишлаш-ни талаб қилганимизда ҳомийларимиз бизни ташлаб қочди. Энди эса хўжаликка даъвогарлар қўйлаиб бораёпти.

Сайхунобод туман қи-шлоқ ва сув хўжалиги бош-қармаси мироби Серик-бой Аблаев билан учраш-дик. У мазкур ернинг бир

келганман. Бунинг эвазига бу ерда етиштирилган ҳо-силнинг тенг ярмини олиб бошлиқ билан бўлишган-миз, - дейди Серикбой Аб-лаев.

- 1997 йилда сохта 699\1374 рақами битил-ган йўл варақасига уч тон-на бугдой олдим, деб им-зо чекишга сизни нима мажбур қилди?

- Ижарачилар хужжат та-лаб қилишди. Мажбур бўл-дим.

- Уни нима қилдингиз?

- 800 кг бугдойни ком-байнчи Мурот Жаксенбоев-га, 100 килограммини та-шиган тракторчига, 20 ко-пини бошлиғимиз Х.Аб-дуназаровга берганман. 900 килограмминини ўз уйимда қолдирдим.

- 1998 йил ҳосилидан сизга нима тегди?

- Ўтган йили булар мен-га бермади. Ҳаммасини бошлиғимиз олган.

- Сиз бу ишларнинг қо-нунга хилоф эканлигини

Ислохотлар инсон учун

Одамлардан сўраб-суриштириб қилшқ туманидаги «Тез ёрдам»да ишлайдиган шифокор уйини тақиллатдим. Ишда экан. Ота-онасига вазиётни тушунтириб, энг зарур дори идишини кўрсатдим. Ялиниб-ёлвордим. Улар ярим соат кидиришиб, топишолмаган узрларини айтишди...

да дори-дармонларни суный тақил қилаётганлар ўз жигилдонларидан бошқор деб ҳисоблайман. Бундай ҳолатни жиноят, давлатимиз сиёсатига зид иш сифатида баҳоламоқ даркор».

ҳол одат тусига кириб қолганига даволанувчи ҳам, даволочи шифокор ҳам айбдор деб ҳисоблайман. Бундай ҳолатни жиноят, давлатимиз сиёсатига зид иш сифатида баҳоламоқ даркор».

кўнглига озор етмасин. Бироқ, айрим гинекологик муассаса ва туғруқхоналарда юқоридаги фикрларга унча мос бўлмаган йўл тутилганлигини назардан қочириб бўлмайди. Жумладан, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли 3-туғруқхона мажмуи маъмурия-

долярнинг тажрибасизлиги оқибатида бир умрга ногирон бўлиб қолмаётганлиги, ушбу тизимдаги баъзи раҳбарлар ҳақиқий аҳволни бўяб ахборот бераётганлигини қим билмайди дейсиз?!

1999 йил - Аёллар йили
ПРЕЗИДЕНТ
ТАШРИФИДАН СЎНГ

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Қашқадарё вилоятида бўлганларида Яқкабоғ туманидаги «Ўзбекистон» пайчилик жамияти аъзолари билан учрашди. Бошқа соҳалар билан бир қаторда Юртбошимиз хўжалик аёлларининг ижтимоий аҳоли ва уларга кўрсатилаётган меҳрибонликлар тўғрисида хўжалик хотин-қизлар кўмитаси раиси Гулнора Авлаева билан савол-жавоб қилди.

ларидан сўнг қайта кўриб чиқилган тадбирларда биринчи гуруҳ ногирони бўлган аёлларга 100 фоиз, иккинчи гуруҳ ногиронларига 50 фоиз миқдорида 2000 сўмлик маҳсулот бериш имтиёзлари белгиланди. Улар ҳар бирининг оиласига 60 килограмдан дон берилади. Айни пайтда беш нафар ёлғиз аёллар уй-жойи хўжалик ҳисобидан таъмирланмоқда, уларни кўмир, ўтин ҳамда газ билан таъминлаш ишлари амалга ошириляпти.

Мулоқот чоғида йўлбошимиз ислохотларнинг бориши, оналар ва болалар ўртасида олиб бориладиган маданий-маърифий ишлар борасидаги муҳим вазифаларга эътиборни қаратди.

Шундан кейин пайчилик жамияти раҳбарияти ва хотин-қизлар кўмитаси аёлларнинг турмуш шароитини яхшилаш, ижтимоий ҳимоялаш бўйича нималар қилиши юзасидан қимматли йўл-йўриқ, маслаҳатлар берди.

Хўжаликда 5635 нафар хотин-қиз бўлиб, улардан 1671 киши пахтачиликда, 60 киши чорвачиликда, 50 нафарга яқин сазавот ва полдиз маҳсулотлари етиштириш билан банд. Қолганлар пенсия, ногиронлик нафақаларини олишади. Улар ҳар бирининг кўнглига йўл топиш, меҳр-муруват кўрсатиш диққат марказида. Масалан, хўжаликнинг Алакўйлак, Имомқуб, Гуржаб, Танипар қишлоқларида хотин-қизлар билан учрашувлар ўтказилиб, 130 минг сўмлик совға-саломлар улашилди. Айниқса, «Наврўз» байрами катта тантаналар билан нишонланди. Хўжалик маъмурияси шу кунги ногирон, ёлғиз оналар, нафақадаги аёлларга 133 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди.

Ўтган хўжалик йилида эса пайчилик жамияти туман ижтимоий таъминот бўлими билан ҳамкорликда икки нафар ногирон хотин-қизга аравача ва қимматбаҳо совға топширдилар. Янги ўқув йили муносабати билан 45 нафар кам таъминланган оила фарзандларига бепул кийим-кечак ва ўқув қуроллари бериш режалаштирилган.

Аёлларнинг меҳнат шароитини янада яхшилаш мақсадида бир жойда доимий, уч жойда мавсумий болалар боғчалари очилган. Бу гам-хўрликларга жавобан аёллар пешқадамлар сафида туриб пахтачилик, галлачилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларда фидокорона меҳнат қилишапти. Жамила Эгамбердиева, Гулжаҳон Қаймова, Раъно Сафарова, Бўришоҳ Оролова, Фароғат Норқобилова каби фидойилар шулар жумласидандир.

Хўжаликда 160 нафарга яқин аёллар ижара пудрати асосида меҳнат қилишмоқда. Келгусида хўжаликнинг бешта қишлоқ марказида санаят, тикувчилик, хунармандчилик кичик корхоналарини очиш режалаштирилган. Аёллар ўртасида оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, қишлоқ ва хонадонларни озода сақлаш бўйича турли танловлар ўтказилмоқда.

Хайрулла Тўраев, меҳнат фахрийси.

СОҒЛОМ АВЛОД - БАХТЛИ КЕЛАЖАК

миқдорда «тиғ ҳақи» талаб қилаётган ағир жароҳларнинг Гиппократ қасамидиға содиқлиги қаёқда қолди? Ачинарлиси - улар ёнгинамизда, кўз ўнгимизда қизгин фаолият кўрсатишмоқда. Биз эса, уларнинг кирдикорларини фош этиш, бу ҳақда бонг уриш, кенг жамоатчилик фикрини уйғотиш ўрнига, кўп ҳолларда бепарволик, лоқайдлик оғушидан чиқолмаёмиз.

Шу ўринда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги оналик ва болалиқни муҳофизат қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Нурия Тўраеванинг ушбу масалага муносабатини мисолга келтирсак тўғри бўлар. Чунки, унинг таъкидлаб айтишича, «Республикамиз ҳудудидаги барча туғруқхона мажмуаларида тиббий хизмат оддий муолажадан тортиб то мураккаб операциягача бепул. Ҳаражатларнинг ҳаммаси давлатимиз томонидан қопланади. Бироқ, аксарият аёлларимиз ўзбекчиликка бориб, ўзлари билан шифохонага пул олиб келадилар. Тўзукроқ қарашин деб, уни уза-тадилар. Бу ғайриқонуний

сиятларни ҳисобга олиб, уларни эътиёткорлик билан, бошқичма-бошқич давлат тасарруфидан чиқаришга ҳаракат қилмоқда. Бинобарин, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги Президентимиз Фармонида ҳам ушбу тармоқда соғлом рақобатни вужудга келтириш орқали хизмат кўрсатиш сифати ва салмоғи ҳамда савиясини оширишга алоҳида ургу берилганлиги бежиз эмас.

1994-1998 йиллар мобайнида мамлакат бўйича жами 744 та тиббиёт объекти давлат тасарруфидан чиқарилди, дейди республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хусусийлаштириш ва тиббий ислохотлар бўшқармаси бошлиғи ўринбосари Саид Гафоров. - Терапия, жарроҳлик ва бошқа йўналишлар бўйича эса 600 га яқин хусусий фирма ва кичик корхоналар ташкил этилди. Бундай тадбир қатъий режа асосида давом эттириляпти. Асосий мақсад - тиббиёт муассасалари сонини эмас, балки сифатини ошириш ҳамда тубдан яхшилашга эришишдан иборат. Токи шифо истаб келган биронта беморнинг

ти ўз тарифларини жорий этишган. Утган йил ушбу шифохонада тахлил қилинган қон гуруҳини паспортга муҳрлаш учун ва анкета тўлғазилаётган пайтда ҳақ олинган. Чақалоқлар соғлиқини муҳофизат қилиш учун ҳатто оддий шприц ҳам йўқ. Дори-дармонлар бўлмагани сабабли уларни олиб келиш даволанувчиларнинг яқинлари зиммасига тушган. Шунингдек, Юнусобод туманида жойлашган кўп тармоқли болалар клиник касалхонасининг чақалоқларни жонлантириш (реанимация) ва бошқа бир неча бўлимида юқорида эслатилган камчиликлар мавжуд. Баъзан чақалоқларга берилиши зарур бўлган суный сут ҳам анқонинг уруғига айланиб қолади.

Яқинда пойтахтдаги туғруқхоналардан бирида айрим шифокорларнинг ўз бурчларига масъулиятсизлиги оқибатида Ф. исмли аёл ҳомиладан бўшаганида (реанимация) ва бошқа бир неча бўлимида юқорида эслатилган камчиликлар мавжуд. Баъзан чақалоқларга берилиши зарур бўлган суный сут ҳам анқонинг уруғига айланиб қолади.

Шунга ўхшаш ва бундан ҳам бешбаттар ҳолатларни бошқа туғруқхоналардан ҳам мисол келтириш мумкин. Айрим чақалоқлар

Хулоса қилиб айтганда, жамиятимиз гуллари ва кудратли таянчи ҳисобланган аёлларимиз мамлакатимизда собитқадамлик билан амалга ошириляётган ислохотларда таъсирчан рол ўйнамоқдалар. Ана шу ҳиссани янада кўпайтириш учун эса биринчи навбатда улар соғлиқини сақлаш тўғрисида чинакамга қайғуришимиз лозим. Чунки соғлом онадан соғлом бола дунёга келади. Соғлом келажақ пойдеворининг мустаҳкамлиги ҳам бугун, эртага таваллуд топадиган ўғил-қизларга боғлиқдир. Зотан, йўлбошимиз ўқитганларидек: «Аёллар учун ижтимоий фаолияти билан бола тарбиясини уйғунлаштиришга, соғлом авлоднинг вояга етказишга имкон берувчи барча шарт-шароитларни яратиб бериш бизнинг муқаддас бурчимиздир».

Абдунаби МАННОПОВ, Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ.

Меҳрга ташна қалблар
ДАВЛАТИМИЗ БАҒРИ КЕНГ
дейишди «Тошкент» пансионатида яшовчи уруш ва меҳнат ногиронлари

Бир неча йиллар ўрта мактабда тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлаган, намунали фаолияти учун муносив тақдирланган Ҳадича опанинг қисматиға ёлғизгина набираси билан яшаш ёзилган экан. Лекин, орадан йиллар ўтгач, шароит ўзгарди. Набира улғайиб, ўйли-жойли, оилали бўлди. Еш келин-куёвға унинг хатти-ҳаракатлари, ишга бориш ниятида эрта туришлари малол келдики, хуллас, орадан кўп ўтмай, келиннинг гапи чиқди:

«Бувингиз бунчалар эрта сахардан полни гирчиллатиб юраверадилар? Бу гапни эшитган Ҳадича опа бир лаҳза ҳам бу ерда яшагиси келмай қолди. Бироқ сеvimли, касби нима бўлади? Қаерда яшайди? Уни энди ана шу саволлар кийнади.

Қариялик... Бу Аллоҳнинг бандаларига берган муқаддас иноятки, унга ҳам барча мушарраф бўлавермайди. Бу фаслда қариндошлари, шириндан- шакар набиралари даврасида даври-даврон суриб, уларнинг бахтиёрлигини кўриб кўзлар қувонишга нима етсин!

Лекин турмушда нималар бўлмайди дейсиз? Халқ орасида «Қариялар уйи» деб ном олган уруш ва меҳнат ногиронлари Тошкент пансионати фуқароларини тўлиқ давлат таъминотиға олувчи муассаса ҳисобланади.

Бу ерда истиқомат қилаётганларни бошидан нимаки ўтган бўлса ўзларига аён. Уларни бу ерда оилада етарли эътибор, меҳр йўқлиги олиб келган.

Пансионатда Ҳадича Отамирзаева билан анча суҳбатлашдик. «Хозирги ҳаётимдан жуда мамнунман, дейди у, -чунки бу ерда эркин яшаш учун шароит мухайб. Узимни худди ўз уйимдагидек ҳис қиламан. Набирам бир-икки марта мени олиб кетишга ҳаракат қилди, йўқ, дедим, - менга мана шу ер қўлай, чунки бу ерда инсон қадр-қиммати жойига қўйилди...»

Суҳбатта иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Л.Лесникова қўшилди: «Бу ерда яшаётганимга 6 йил бўляпти. Давлатимизға раҳмат, шунчалик қўлайлик яратиб қўйганлиги учун. Вақти-вақти билан дам олишларға, санаторийларға бориб тураимиз. Кунимиз мазмули ўтаётганидан хурсандимиз.

Юз ёшли отахон: «Ёлғиз ўғлим бор эди. У ҳаммамиз яшаб турган уйни сотиб, ўзи Россияға кетди. Мен кўчада қолдим. Натияжада бу ерға келиб қолдим ва толеимдан хурсандман - дейди.

Мазкур пансионат 220 ўринга мўлжалланган. 8 нафар шифокор, 18 нафар ҳамшира даволанувчилар хизматида. Айни пайтда 40 ўринли стационар ҳам пансионат қошида фаолият кўрсатмоқда.

Хотира ва Қадрлаш кунида уруш ва уруш ортида бўлганларнинг ҳар бирига 2640 сўмдан рағбат пули берилди. Хомийлар, оталик ташкилотлар 676071 сўмлик муруват кўрсатдилар.

Пансионатнинг доимий хомийлари этиб «Оникс», «Тошкентмөбелъ», «Керамзитбетон», «Металлсавдо» акционерлик жамиятлари бириктирилган. Улар байрамларни, зарурат туғилган кунларда албатта ўз ёрдамларини айтишади.

Қарияларимизға аввало имон ярашади, - дейди пансионат директори Р.Бекназов. -Уларнинг манфаатиға хизмат қилувчи бир қанча тадбирларни амалга оширяптиз. Ҳукуматимизнинг, ҳомий ташкилотларнинг уларға бераётган ёрдамлари бекиёс. Шундай экан, бу ерни қариялар уйи эмас, саховат уйи деса ярашади.

Комила БОЙМУРОВА, «Ишонч» мухбири.

Маҳаллаларнинг кенгайиши, янгиларининг ташкил топиши кенг миқёсда олиб бориляётган ишларға ижобий таъсир кўрсатмоқда. Чунки ҳаммамиз маҳалла фарзандимиз, шу ерда туғилиб-ўсиб, шу ерда тарбия кўраимиз. Ҳаёт такозоси билан маҳалла кўмиталарининг кундалик ишлари тартибига янги вазифалар қўшиляпти. Уларни амалга ошириш эса фаоллардан ташаббускорликни, сидқидилдан ишлашнинг талаб қилади.



ИБРАТИ ОЛСА АРЗИЙДИ

Яқинда Собир Раҳимов туманидаги «Шодлик» маҳалласининг фуқаролар йиғини фаоллари Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3 ноябрдаги «Аҳолиға коммунал хизмат кўрсатиш тизимидеги иқтисодий ислохотларнинг консепциясини тасдиқ-

лаш тўғрисида»ги 461-сонли қарорига ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунға асосан Қора-Қамиш 2/5 мавзесидаги 22 та ва «Мухбир» кўчасидаги янги қурилган 14 та кўп қаватли уйларни маҳалла тасарруфига олиб, аҳо-

лига коммунал хизмат кўрсатиш ташаббуси билан чиқдилар.

Маҳалла кўмитаси коммунал хизматдан фойдаланишининг барча тармоқлари билан узоқ муддатли шартномалар тузди. Фуқаролар йиғини раиси Тожиддин Абдувоҳидовнинг жонқуярлиги

ва тиниб-тинчимаслиги натижасида барча ташкилий ишлар амалга оширилди.

Музаффар АҲМЕДОВ
Суратда: Фуқаролар йиғини раиси Т.Абдувоҳидов фаоллар билан йиғилиш ўтказмоқда.
Х.МИРЗАҚАРИМОВ олган сурат.

Луқма

ИНСОҒГА ОТИЛГАН ТОШ

қиб ўриндиқлар тўлғач, машина ўриндан жилди. Йўл-йўлакай хайдовчи йигит чўлнинг ўзига хос жиҳатлари-ю, одамлар орасидаги меҳр-оқибатдан, инсофу диёнатгача қолдирмасдан «чуддираб» борди. Гап орасида яширин тадбиркорлиги бароридан келаятганлиги, бунда солиқчиларға қандай чап бериши ҳам қолмади. Атиги тўрт чақиримча йўл юриб, манзилға етган, отахон яқиннинг чўнтагини қавлаб, сўнги 32 сўм пулини чиқариб хайдовчига узатди. Шунда қиракоч:

— Пулингизни чўғи кам, бобой. Хизмат ҳақимиз 50 сўм бўлади, - дея без бўлиб турса бўладими. — Инсоф қилсанг бўларди болам, ахир бир қадамға шунчам. Меҳмон одамман, бунинг устиға... Чолнинг гапи бўғзида қолди. Қиракоч хайдовчи биланлаш берди: — Инсоф, инсоф дейсиз. Уни аллақонан кўмиб, жанозасини ўқиб бўлганман. Бизға хозир кўпроқ пул зарур бўлиб турибди, бобой, пул! Чол иложисиз қолиб қайсар қиракашни ўғлининг уйига бошлади. Келиннинг 18 сўм пул олиб хайдовчига узатар экан, уни гап би-

лаш олиб олди: — Ҳе, сендақа олифтадан ўргилдим, буқаламан! Пул кетидан қуваган одамнинг ҳар нарса бўлгани яхши. Биз ҳикоя қилганимиз афсона эмас, яқин кунларда бўлиб ўтган ҳақиқат. Тошкент - Термиз катта ўзбек автомагистралли Ш.Рашидов тумани марказидан атиги тўрт чақирим келади. Йўлнинг қўлайлик томони шундаки, йўловчилар хоҳ эрта, хоҳ кеч бўлиб узоқ-узоқлардан келиб автобуслардан тушадилар. Яна бир қисми бўлса... тегишли рўйхатдан ўтмай ўзла-

лаб чўл хўжаликлардаги манзиллари сари ошиқшади. Туман раҳбарлари эътиборсизликлари оқибатида маршрут автобус қатнамаслиги туфайли ўнлаб шахсий энгил автомашина эгалари турнақатор бўлиб туришади. Қира ҳақи бўлса рақобот асосида эмас, балки монополия қилиб белгиланган - тўрт чақиримға 50 сўм. Тўғри, уларнинг аксарияти туман давлат солиқ инспекциясинан рўйхатдан ўтиб, солиқларни ўз вақтида тўлаб боришади. Яна бир қисми бўлса... тегишли рўйхатдан ўтмай ўзла-



МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ
ЙИЛЛИГИ
ОЛДИДА
ХОНАДОНЛАР ГАЗЛАШМОҚДА

Абу Али Ибн Сино номли хўжалик Нишон туманидаги кенжа хўжалиқлардан бири. Усмон Юсупов номли жамоа-ширкат хўжалиги таркибидан ажралиб чиққан мазкур хўжаликда айни пайтда 136 оила истиқомат қилади.

Уларнинг ҳар бирининг ўзига яраша ташвиш ва муаммолари бор. Кўпдан бунён хўжалик ахлини бир муаммо - табиий газға бўлган талаб бажарилмай келинади. Ҳайит Жониев раҳбар этиб тайинлангач, биринчи ишни қишлоқларни газлаштиришдан бошлади. Югуриб-елиши бесамар кетмади. Қисқа вақтда 1,8 километрли ўрта, 2,5 километрли юқори босимли табиий газ қувурлари тортилди. Бу ишни туман газлаштириш идораси раҳбари Мухаммади Йўлдошев ўз зиммасига олди.

— Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги байрами кунига хўжалик хонадонларига зангори олов ёқилди, - дейди Ҳайит Жониев. - Бунинг учун барча ички имкониятларни ишга солмоқдамиз.

Шунингдек, хўжалик ахли учун маданий-маиший биналар қуриб, йўлларни раванлаштиришни янги раҳбар ўз зиммасига олган. Хўжалик кучи билан идора биноси қурилди. Хўжаликка олиб борувчи йўл қайтадан асфальтланиб, электр чироклари ўрнатилди. Хуллас, Мустақиллик байрамигача яхши ниятлар билан бошланган эзгу ишлар ниҳоясига етиб, одамлар учун қўшалоқ байрам бўлади.

Шавкат СУЛТОНОВ, «Ишонч» мухбири.

рича устамонлик қилишяпти. Ш.Рашидов туман давлат солиқ инспекциясидаги мутасаддилар, энгил автомашиналар йўловчиларға қай ҳолатда хизмат кўрсатаётганлиги билан етарлича қизиқишмаяпти. Улар мавжуд аҳволдан бохабар бўлсалар-да, ноқонуний фаолият юратяётган, инсофни унутган шахсий энгил автомашиналар эгаларининг мушугини «пишт» дейишға гўё вақт топа олишмаяпти. Йўловчилар хизмат кўрсатишда соғлом рақобот яратилиши натижасида йўлқира инсоф билан белгиланиши тарафдоридилар.

А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

Сиз илк бор фарзандини туғуркухона деразасидан кўраётган отанинг кўзларига тикилганми-сиз? Бу кўзларда чексиз меҳр-муҳаббат намён бўлади. Хаттоки, энг сержаҳл эркекнинг ҳам юзида табассум ўйнайди. Бу кўзлардаги самимият-ни, меҳрини баён этишга ҳар қандай қалам ҳам ожизлик қилади...

Она эҳтиёткорлик билан фарзандини бағрига босади, бир кули билан бошини сал баландроқ кўтариб дераза ортидан тикилиб турган турмуш ўртоғига мурғаккина чехрани намён этади. Дунёнинг барча гўзалликлари мужассам бўлган бу мурғаккина чехрага ота ва она бирдек меҳр билан боқадилар. Ота, она, фарзанд... Бу учликдан оила вуқудга келади.

Кўзларини дераздан олиб, хона ичида жойлашган гўдаклар кроваччаларни олдига келаман. Улар 6 та бўлиб, хозиргина оналари олди-дан қоринларини тўйга-зиб қайтидилар. Энди ширингина бўлиб ухлашмоқда. Фақат биттагина гўдак безовталаниб, ухламас эди. Қўлимга мурғак чакалоқни олиб ўйлаб қолам: «Сенинг не гуноҳинг бор эди, кичкин-той? Нима учун сени меҳрдан, муҳаббатдан жудо қилдилар? Кимлардир тирноқча зор, кимлардир фарзанддан безор. Сени дунёга келтирган одамни

«она» дейиш мумкин-ми? Ҳаёл оғушида чакалоқни кўздан кечираман. Соғлиги тўғрисида касаллик варакасига ўз хулосаларини ёзиб қўяман.

Туғруқхонада иш фаолиятини бошлаганимда ўз фарзандларидан воз кечувчи аёллар бунчалик кўп деб ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Бизнинг ўзбек халқи болага меҳрибон, фарзандларини асосан, бошқа миллатга мансуб аёллар ташлаб кетадилар, деб ўйлар эдим.

Лекин қанчалик ачинарли бўлмасин, фарзанддан воз кечувчи ўзбек аёллари ҳам кам эмас экан.

Ўз фарзанддан воз кечган аёл билан бўлган суҳбатимни эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман.

- Наргиза, ёшингиз нечада?

- 19 да.

- Қаердан келгансиз?

- Қашқадарёдан.

- Оила аъзоларингиз шу ердалигингизни билишадими?

- Ҳа, ҳолам Тошкентда турадилар. Эртага мени бу ердан олиб кетадилар.

- Наргиза, ҳамшираларга «Фарзандимни олиб чиқиб кетинглар. Мен уни эмизмайман» деб айтиб-сиз. Нима учун?

- Мен уни шу ерда қолдирмоқчиман. Турмушга чиқмаганман. Бир хато қил-

ча машаба бўлмаган бўларди. Лекин у бошқасига уйланган.

- Бош фарзандингизни ташлаб кетаётганингизга ачинмайсизми?

- Кейинчалик яна болаларим бўлар. Бунисини

она бўлолмайди. Наргизани фарзанди она меҳрини ўз онасидан эмас, балки шу кувончли кунни ойлар, йиллар давомида кутган, орзу-умид қилган аёлдан олар. Гўдаклар жуда сезувчан бўлади. Улар ҳали она қорнидаёқ она-

ФАРЗАНДИМДАН ВОЗ КЕЧДИМ...

дим, ёшлик экан. Боламини ота-онамикига олиб борсам, улар маҳалла-қўй олдида шарманда бўлишади. Бўйимда бўлганимда аборт қилдирмоқчи эдим. Шунинг учун Тошкентга келганим. Ҳолам: «Аборт қилдирсанг, кейин тугмайди-ган бўлиб қолсан», деди-лар. Деярли саккиз ой Тошкентда юрдим. Ота-онам билишади. «Ҳамма ишни Тошкентда пишириб кел» - дейишган. Маҳаллада мени сураганларга ўқишга кетди, деб айтишган.

- Болани отаси биладими?

- Билади. Агар менга уйланганида бошимда шун-

бирортаси боқиб олар. Шу болани деб ўзи шундоқ ҳам ҳаётим барбод бўлапти.

Мен Наргизага бошқа хеч нима демай палатадан чиқиб кетдим. Юриста кўнгирак қилиб, бошдан воз кечиб ҳақидаги ҳужжатларни расмийлаштиришни айтдим.

Наргиза бир гапда ҳақ: «Бунисини бирортаси боқиб олар». Тўғри гўдак қаровсиз қолмайди. Фарзандга зор бўлган оилалар ўзининг она бўлишини орзу қилаётган, лекин бундай шарафдан маҳрум бўлган аёллар кўп. Улар ўзининг ёки турмуш ўртоғининг бепуштлиги сабабли

сининг юрак урушини ёдида сақлаб қолиб, кейинчалик шу орқали ўз онасини ажратиб олади. Наргизанинг фарзанди онаси кетган кунни анчага-ча йўғлаб, безовта бўлди, чунки у онасидан ажралаётганини сезган эди.

Фарзандини ташлаб кетаётганлар (уларни «аёл» дейишга тил бормади) ичида турли ёшдагилар кўп. Илгари ёш қизлар кўп бўлар эди. Эндиликда 30-35 ёшлар ҳам кўпчиликни ташкил қилмоқда.

Улар асосий сабаб қилиб иқтисодий қийинчиликларни рўқач қиладилар.

Оиласида 1-2 та фарзанд борлигини, ҳомилдорликдан сақланмаганликларини, бўйида бўлиб қолганликларини кеч қилиб, энди аборт қилдириб бўлмаганини айтишади.

Наргизага ўшаганларнинг яна фарзанд кўриб, қандай ОНА бўлишини билмайман. Лекин биринчи фарзанд юрагидан доғ қолдириши, кейинчалик пушаймон бўлиши аниқ.

Ҳукуматимиз оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, турли имтиёзларга кенг йўл очиб берган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хотин-қизларнинг иқтисодий муҳофазасини кучайтиришга оид Фармони алоҳида ўрин тутди. Кўп аёллар қарор ва фармонлардан беҳабар...

Ҳар бир аёл, ўзга бир дунё. Кун давомида 20-30 та аёл билан суҳбат қураман. Дунёқарашлари турлича бўлган бу инсонларда бир уйғунлик бор. У ҳам бўлса фарзандига бўлган муҳаббатидир. Хатто оғир операциядан чиққан аёллар ҳам бор кучларини тўплаб, фарзандлари томон талпиндилар. Уларни эҳтиёткорлик билан, меҳр ила

бағриларига босадилар. Гуруч курмакисиз бўлмаганидек, аёлларимиз орасида Наргизага ўшаган инсонлар ҳам бор.

Уларга қарата шундай дегим келади:

АЁЛ... Табиат сенга оналик бахтини берган. Аммо сен қандай она бўлишингнинг ўзинг хал қилишинг керак. Она бўлиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Она бўлганидан сўнг бошнинг баланд тут аёл! Сен оилани яратасан. Ўз меҳринг билан хонадонга фойз бағишлайсан. Кечалар ухламай фарзандингизни кўриқлайсан, фарзандинг «оҳ» чекса, сенинг доғ солгинг келади. Фарзандинг бетоблигида ўзингни қўярга ҳали тополмайсан.

Чунки СЕН - ОНАСАН!

Аёл. Сен қаерда бўлмагин, давлат идорасидами ёки меҳмонда, бозордами ёки касалхонада барибир сенинг ҳаёлинг фарзандларингизга бўлади. Сен улар ҳақида ўйлайсан, қайғурасан. Сенинг бахтинг шу, шундан сенинг улуғлигинг, шарафинг...

Шоҳида ТУРДИЕВА, врач неонатолог.

19 июлдан (25 июлгача)

КҮЙ — Мабо до ўз олдингизга ҳаётингизни тубдан ўзгартиришни максат қилиб қўйган бўлсангиз, белинг боғлаб ишга киришинг. Аини шу ҳафта бунинг учун фурсат етди. Уйда, ишонангизда обрўингизга пуртур етмасин десангиз, ёлғон-яшиқ, хийла ишлатмаганингизга маққул.

БУЗОҚ — Ўшбу ҳафтани дала ҳовлида ўтказганингиз аини мундо. Кўп муаммо ишларингиз, хизматларингиз шунинг шарофати билан ижобий ечим топади. Фақат айрим ҳолларда ота-она фарзандларингиз ёки қариндошларингиз билан узаро муносабатларингизда тушунмовчиликлар юзага келиши мумкин.

ЭГИЗКАЛАР — Иш ва ҳаётларингизнинг қанчалик муваффақиятли бўлиши асосан ўзингизга боғлиқ. Жума, Шанба ва якшанба кунлари ўзингизни оғир-вазмин тутишга ҳаракат қилинг, акс ҳолда ағир-дағирлар, қариндошлар, қатта ёшдаги фарзандлар билан қелишмовчиликлар келиб чиқиши мумкин.

КИСКИЧБАКА — Ҳафта ниҳоятда кизғин, воқеаларга бой бўлиши кўтилади. Омад, айниқса, қаблари ижодий соҳа билан боғлиқ шахсларга кўлиб боқади. Ҳафтанинг биринчи ярмида ва дам олиш кунларида ўзингизни таъмағир шахслардан узоқроқ тутинг.

АРСЛОН — Нуфузли таниш-биродарлардан тушадиган ҳамкорлик тўғрисидаги таклиф-лойдихалар ишончга сазовор. Иш билан боғлиқ моддий муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Бирок оилангиздаги эски ҳафтарчилик яна қайта ҳужур қилиши мумкин.

ПАЗИЗОД — Ақлий меҳнат ҳорижий алоқалар ва шериқчилик дойдихалари манфаатли бўлади. Қўчмас мулк, оилавий маблагларни сармоялаш билан боғлиқ иш-тадбирлар бориридан келади.

ТАРОЗУ — Дикқат-эътиборингизни бир жойга жамлаб иш тутсангиз бу ҳафта сизни ижодий кутаринчилик, хизмат сафарлари, қизил-қарли равшанлар кутади. Режаларингизни амалга ошириш учун сизнинг обрў-эътиборли танишларингиз, ҳамкорларингизнинг қўллаб-қувватлаши зарур бўлади.

ЧАЕН — Бу ҳафтада барқарор кечаётган ишлар ижобий хал бўлади. Ҳиссиётларга берилмаган, акс ҳолда бирон хасталикка чалинишингиз мумкин. Айримларингиз дустварингиздан хат-хабар олишингиз, шахсий ҳаётингизда ўзгаришлар юз бериши мумкин.

УКОТАР — Сизни иш жойингизда, хизматдошларингиз, яқинларингиз, оила аъзоларингиз билан узаро муносабатларда, хонадонингизда ниҳоятда масъулиятли, лекин сермақсул давр кутмоқда.

ТОҒ ЭЧКИСИ — Ҳафта сиз учун бир оз нотинч келади. Сизнинг имкон қадар фойда элчи бўлишингиз талаб қилинади. Моддий ва оилавий муаммоларингиз ҳаётингизни кўпроқ банд этади.

КОВФА — Ўйчи ўйини ўйлагунча, таваққали ишини битиради, деган халқ мақоли ушбу ҳафтада сизнинг ширингиз бўлиши лозим. Шунда сизга омад қўлиб боқади, сиз атрофдагиларнинг ҳурматини қозонасиз ҳамда моддий фойда қўрасиз.

БАЛИК — Яқин сармоя келтирадиган иш юза-сидан таклиф-лойдихингиз эҳтимол бора. Ўзидингиз режа ва фойдаларингиз тахлили фавқулодда ийрик моддий фойда келтириши мумкин.

Юнусобод туманида рўйхатга олинган ОКПО - 156313150 «Шодада» хусусий фирмаси тугатилади. Давволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида 34-68-17 телефони орқали қабул қилинади.



Яқинда Ўртачирчиқ туманининг «Ўзбекистон» деҳқон фермер ҳўжалиги клубида аёллар йилига бағишлаб «Энг ибратли оила» кўрик-танлово бўлиб ўтди. Унда ҳўжаликнинг 300 га яқин хотин-қизлари ҳамда фаоллари қатнашди. Кўриқни ташкил қилишда кутубхоначи Ю.Йулдошева, касоба уюшмаси раиси Худойберди Назаркуловлар ташаббус кўрсатди. Кўрик-танловда «Ерик», «Ўқитувчилар», «Оқбўтай» маҳаллалари иштирок этишди. Улар оилада одоб-ахлоқ, меҳмон кутиш, овқат тайёрлаш, бола тарбияси мавзуида беллашишди. Унинг иштирокчилари Шохиста Мамадулова 1-ўрин, Нигора Фуломова 2-ўрин, Сурайё Маҳмудова 3-ўринни эгаллашди. Ҳолиларга қимматбахш совғалар топширилди.

Мукофотларни Ўрта Чирчиқ тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси, туман ҳокими муовини Тамара Абдуҳакимова топширди. Кеча охирида ҳўжаликнинг «Гулистон» болалар богчаси тарбияланувчилари ўзларининг қўшқ ва рақслари билан барчада чукур таассурот қолдирди. «Энг ибратли оила» кўрик-танлово туманининг бошқа жамоа ҳўжаликларидан ҳам ушқоқлик билан ўтказилмоқда.

Суратда: голиблар тақдирланмоқда.

Хусанбой АВАЛОВ олган сурат.

МИНТАҚАДА ЯҒОНА

Ўзбекистонда фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлаш, барқарор авлод тарбиялаб этиштиришга астойдил ғамхўрлик қилинмоқда. Бунга жавобан шифокорлар қилаётган ижодий-амалий меҳнат самарасини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институти мисолида яққол кўриш мумкин.

Бу тиббий муассаса жамоаси муҳим илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш билан бир қаторда, қўтилмаганда оёқ остидан чиқиб турадиган нохуш фалокатлар оқибатида одамларга етадиган жароҳатларини даволаш борасидаги амалий ишларда ҳам жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Бугунги кунда институтда бешта клиник бўлим ва бир қанча лаборатория фаолият кўрсатаёпти. Уларда еттига фан доктори, унлаб фан номзодлари ва аспирантлар, докторантлар, малакали шифокорлар фаол ижодий иш олиб боришади. У.Исломбаев, Р.Хўжаев, Б.Миразимов, Х.Ғайзиев, М.Азизов, Ш.Шотурсунов, Л.Шомансурова сингари эл назарига тушган тажрибали шифокорлар ҳар ишда ҳамкор, ҳамфикр ва ҳамнафасдилар.

Шифокор одамлар олдидаги ўз бурчини чин ҳисобдан ҳис этиб, ҳалол ва виждонан хизмат қилмоғи керак. Бу энг зарур талаб, - дейди биз билан суҳбатда институт директори, тиббиёт фанлари доктори Мирҳаким Азизов. — Агар ҳузуримизга наҳот истаб келган беморни яқинлаб даволаб жўнатсақ, энг аввало, ўзимизнинг руҳимиз тетик, юзими ёруғ бўлади. Биз шифокорларнинг эзгулик йўлида амалга оширган ҳолисона ишларимиз одамлар хотирасида доимий муҳрлиқ қолади. Халқимиз беркорта «Яқинлиқ мангу яшар» деб айтмаган. Биз бахтсиз ҳодисалардан тан жароҳатли олиб, шикастланган ёки тугма нуқсонлар ва турли касалликлар оқибатида таянч-ҳаракат функцияси бузилиб ёхуд бирор жойи майиб-мажруҳ бўлиб қолган беморларга ҳар жиҳатдан ёрдам беришга ҳаракат қиламиз.

Институтидаги мижозларга кўнглидагидек хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароит ва имкониятларга - замона-

вий тиббиёт аппарати ва жиҳозлари ҳамда асбоб-усқуналарига ва улардан моҳирона фойдаланиб, даволаш муолажаларини яқши амалга оширувчи ходимларга эгамиз. Масалан, бизда жарроҳликнинг даволаш усуллари бўлимиш остеосинтез, нозик пластик операциялар, шунингдек, физиотерапия турли протезлардан кенг фойдаланамиз. Бугунги жаҳон андозаларидан ҳам унумли фойдаланиб келмоқдамиз. Ҳар бир бемор даволаниш жараёнида шифокор ва ҳамшира томонидан доимий назорат қилиб турилади.

Хуллас, беморлар шифо топиб, соғайиб кетиши учун барча мавжуд имкониятларимизни ишга соламиз. Институтимиз республикамиздагина эмас Ўрта Осиё ва Қозоқистон минтақасида ягона ҳисобланади (Қўшни давлат шифохоналарида травматология ва ортопедия шохобчалари ва бўлимлари мавжуд ҳолос). Шу сабабли ҳам у ерларда тиббиёт мутахассислари муассасамизга таширф буюришиб, бизнинг тажрибамизни ўрганишга, биз билан ҳамкорлик қилишга интилишади. Минтақамиздаги Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон давлатлари ҳамда Россия билан алоқамиз яқши. Биз бир-биримиздан тажриба ва илм ўрганишни қанда қилмаймиз. Шунингдек, хорижий давлатлар билан ҳам алоқа ўрнатиб, ёш мутахассисларимизни у ерларда тажриба алмашиб қайтишга йўллаб турмоқдамиз.

Ушбу шифо масканда кўлаб навқирон фан номзодлари ва ёш мутахассислар ҳам хизмат қилишади. Ўз касбини моҳир устаси бўлиб етишган мутахассислардан Э.Валиев, А.Маматхўжаев, И.Хўжанов, Б.Шодиев аллақачон ҳамкасблари ва эл ҳурматини қозонишган.

Институт шифокорлари травматология ва ортопедия шикастланганларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар ва уюшмаларда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, техника қондаларга риоя қилиш тўғрисида тарғибот ва ташвиқот ишларини ҳам мунтазам олиб борадилар.

Мамадали ЭРОНОВ.

ЭРТАКЛАР ОЛАМИДА

Избосканнинг Элатон қишлоғида бўлганмисиз? Тарихий илдишлари эрамиздан аввалги асрларга бориб тутади. Тарихчи олим Манноб Эгамбердиевнинг «Сариқ аждар ҳамласи» асарига тилга олинган қишлоқ шу. Одамлари меҳнатқаш, танги ва дилқаш. Табиати гоёг гўзал, ҳавоси тоза. Бу ерда вилоят ўрмон ҳўжалиги бирлашмасига қарашли 20 гектари қалин ўрмонзор бор.

«Машъал» оромгоҳи худди мана шу ўрмонда жойлашган. Бу ерга дам олиш учун келган болалар ўзларини эртақлар оламига тушиб қолгандай ҳис қилишади. Сабаби - ўрмон ичида мириқиб дам олишлари учун барча шароит муҳайё. Салқин оромгоҳ худудида чўмилиш ҳавзаси - бассейни қурилган. Стадион барпо қилинган. Унга гуруҳнинг ҳар бири учун мустаҳкам чодирлар тикилган.

Оромгоҳнинг 1-ва 2-навбатларида 370 нафардан жами 740 нафар ўқувчилар ёзги таътилларини кўнглили ўтказдилар, дейди вилоят касоба уюшмалари кенгаши вакили, кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик хо-

димлари касоба уюшма вилоят қўмитаси раиси Абдуваҳоб Холматов. - Оромгоҳни мавсумга тайёрлаш жараёнида Избоскан туман ҳокимлиги қатта ёрдам берди. Хашар йўли билан кир ювиш хонаси, ювишни хонаси, ёзги ошхона қуриди. Бу ишларни амалга оширишда тумандаги атлас тўқиш ҳиссадорлик жамияти, Пойтуғ ва Чувама йил-йилгирив ҳиссадорлик жамиятлари елкадоқ бўлдилар.


Дарвоқе, оромгоҳда ташкилий-тарбиявий ишлар ҳам кўнглидагидек йўлга қўйилган. Маънавият ва маърифат хонаси дам олувчилар билан гавжум. Турли кўрик-танловлар, спорт беллашувлари, қизилқарли ўйинлар доимий равишда ўтказиб борилади.

Ўлжабой Йамчиев оромгоҳ ташкилотчиларидан бири. Оз эмас, кўп эмас, роппа роса 21 йилдан буён шу ерда раҳбар. Меҳрибон, жонсарак, серғайрат инсон.

Хуллас, болалар мазага қилиб ҳордик қичаришяпти. Бунинг ўз кўзингиз билан кўрмоқчи бўлсангиз, Элатонга келинг.

Шукрулло НЕЪМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

Ўз гашти



Ш.СУЛТОНОВ олган сурат лавҳа.

Футбол оламида

ОСИЁ НИМАДАН НОРОЗИ?

Миллионлар ўйини ҳисобланган футбол атрофидаги сўнги шов-шувлар Осие Футбол Конфедерацияси (ОФК)га бориб тақалмоқда. Бунинг ОФК мутахассислари навбатдаги жаҳон чемпионатининг финал босқичига ФИФА томонидан Осие мамлакатлари терма жамоалари учун жуда оз ўрин ажратилганлиги, деб баҳоланмоқда. Чиндан ҳам «ЖЧ-2002» учун Осиега аввал иккита, сўнгра ОФК норозилик билдиргач, 2,5 та ўрин ажратилди. Саралаш босқичида Осиенинг учинчи терма жамоаси Европанинг ўн тўртинчи (!) терма жамоаси билан беллашади. Бирок, ОФК барибир ФИФАнинг бу «саховати»дан норози: «Мен Осие жамоаларининг кучли эканини исботлаш мақсадида ўрин талаб қилдим ва Осие жамоалари кучли эмас, деган фикр тўғрисида қўшимча ўрин билан тақдирландим», - дея ўз

фикрини билдирди ОФК бош қотиби П.Велапан. «Бизга яна ўрин берилмаса, мусобақада қатнашмаймиз - иккита ўринни ҳам қайтариб берамиз. Ҳазил-лашаётганим йў!» Шундай қатъий қарор билан ўз сўзини яқунлади бош қотиб.

«ЖЧ - 2006»ГА БЕШ ДАВВОГАР

XXI асрнинг иккинчи жаҳон чемпионати - «ЖЧ - 2006»га даъвогар мамлакатлар сони яна биттага кўпайди. Англия, Германия, Жанубий Африка Республикаси, Бразилия каби «гигант» даъвогарлар сафига Африканинг яна бир вакили - Марокаш ҳам қўшилди. Марокашнинг бу аёвсиз «жанг»да бирор натижага эришиши ёки эриша олмаслиги эса роппа-роса бир йилдан сўнг - 2000 йилнинг июл ойида, ФИФА йиғилишида аён бўлади. К.МУСАЕВ тайёрлади.

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Тахрир хайъати:
 Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (Бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латинов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Котибият 56-52-78,
 136-58-45; Хатлар бўлими
 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишда топшириш вақти - 21.00. Топшириш вақти 23.00